

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 98 (6840)
1997 йил, 17 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Устоз минбари



ДАРСИМИЗ «ҚАЛБ ОЗОДЛИГИ»

ни тубдан ислоҳ қилиш жараёнининг қанчалик секин ёки тез бориши ушамиятнинг ташкил этган халқ маънавияти, унинг онглилик даражаси ва фикр эркинлигига боғлиқ. Ўсмирлар фикрини янги йўналишга солиш, улар онгида янги да-

га ҳуқуқни, иккинчи уринда давлатнинг қўйилиши тасодифий эмас. Фуқаролар жамияти-эркинлик жамияти, лекин эркинлик мутлақ бениҳоя була олмайд. Эркинликнинг меъёри эса ҳуқуқдир. Меъёр ҳамма учун баробар бўлиши лозим. Шунга мувофиқ ҳуқуқий давлатнинг олий принциплари ҳуқуқнинг ҳукронлигидир. Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир одам яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» деб қайд этилган. Мен шу мавзунга утаётганимда уқувчиларим: «Инсон учун энг катта эркинлик нима?» деб савол беришди. Шунда мен энг муҳими қалб эркинлиги, ҳур фикрлик, дедим. Очиги, дарсимизнинг қолган қисми мунозарага айланиб кетди. Мен уларнинг тақлифи билан «Қалб озодлиги» деган алоҳида мунозарали дарс утадиган бўлдим. Мени хурсанд қилган нарса шу бўлдики, бу мавзу купчиликни қизиқтиради экан.

Фарзандларимиз узлигини англаб, уз халқига, миллатига, узи тугилиб усган она-юртига нисбатан садоқат, эътиқод руҳида тарбиялангандагина чин маънода қалб озодлигига эришиш мумкин. Уларда

ҳақиқий миллий гурургуйгусини шакллантириш ҳам муҳимдир. Бизнинг халқимиз 130 йил мажбурий равишда уз тарихидан ажратиб қўйилди ва инсонларни узлигидан айириш, уз аждодларидан ажратиб қўйиш жуда ёмон оқибатларга олиб келди. Қадимда утган алломалардан бири «Фафлатда ётган халқни уйғотиш учун, унинг тарихини уйғотиш керак», деган экан. Куз тегмасин, тарихимиз, онгимиз, қалбимиз уйғона бошлади. Шунинг учун ҳам онгли муносабатларни, ҳаёт тарзига айлантиришимиз лозим. Шундагина биз узимизнинг асрий орзумиз — Қалб озодлиги, руҳий эркинликка эришамиз. Руҳиятимиз эркин буларкан биз дунёдаги уз эркини, ҳуқуқини, маънавиятини, узлигини ниҳоятда теран англаган буюк халқлар қаторига қўшилаемиз. Зотан, ҳам маънан, ҳам тарихан бунга ҳаққимиз бордир. Чунки она шарқимизнинг бутун дунёга маданият, маънавият ва тараққиёт бешиги бўлиб хизмат қилганлиги бугун купчиликка сир эмас. Мен доимо уқувчиларимга айнан ана шу гоёни сингдириб боришга ҳаракат қиламан ва уқувчиларимда ҳам шунга булган ниҳоятда кучли қизиқиш мени жуда қувонтиради. Чунки ёшларнинг уз тарихларига, маданиятларига, маънавиятларига булган эътибор ва эҳтиёжлари, бу улардаги қалб уйғолигидан далолатдир.

Юлдуз ҲАМРОЕВА,
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон туманидаги
Орзи Маҳмудов номи
мактабнинг
тил ва адабиёт
ўқитувчиси


Инсоннинг мурғак онги, шаклланаётган шахсияти, руҳияти ҳамиша мустақилликка, эрк ва озодликка интилади. Қалб озодлигига эришиш, ҳур фикрлик инсон фарзанди учун энг олий неъматдир! Мен ёшларимизнинг қалб озодлигига интилишини жуда куп қузатганман. Айниқса, бугун мустақил Ўзбекистон давлат тизимининг ёшларни уқитиш ва билим беришдан бош мақсади хоҳ мактабда, хоҳ олий таълимда булсин аввало кеча, бугун ва истиқболнинг моҳиятини тушунадиган, халққа хизмат қилишга қодир, маърифатли шахсни тарбиялашга, онг мустақиллиги, қалб озодлигини

шакллантиришга қаратилмоғи керак. Аввало ҳур фикрлик гоёсини ёшлардан бошламоғимиз лозим. Токи, ёшларнинг қалбида эркин фикрлаш истаги ва ҳур дунёқараш шаклланса бизда шаклланган демократик давлат, жамият энг юқори, гуллаган нуқтага етиб, ривожланади. Зеро, демократияни ҳурлик яратади. Ҳурлик учун эса қалб озод булмоғи лозим. Ёш авлод маънавиятида азалдан тарих, фалсафа, адабиёт ва санъатнинг урни булакча булиб келган. Зеро бу фанлар — инсоният тараққиётини умуминсоний қадриятларни тафаккур тақомилини узиди намоён қилади. Чунки янги ижтимоий-сиёсий тузумни вужудга келтириш, жамият-

в имкониятларини ва руҳиятини урнатишимиз керак. Айниқса, кейинги икки-уч йил ичида уқувчиларим жамиятдаги узгаришларга, ҳуқуқий давлат таъминларининг қарор топишига, қисқаси ҳуқуқшунослик фанига ниҳоятда қизиқиб қолганлар. Уларни купроқ маънавий соҳадаги янгиликлар, яъни жамиятдаги фикр эркинлиги, виждон эркинлиги, суз эркинлиги уз фикрини омалаштиришнинг реал имкониятлари қизиқтиради. Биз ҳаётини мисоллар орқали ана шу масалалар хусусида жуда куп фикрлашамиз. Чунки юқоридаги таъминларга эга булган жамият давлати фақат ҳуқуқий давлат булиши мумкин. Бунда биринчи урин-

Бизнинг ўқув даргоҳимиз бундан беш йил олдин жаҳон тилларини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган эди. Ҳозирги кунда бу даргоҳимизда ўзбек, рус, инглиз ва араб тиллари чуқур ўргатилмоқда.
Мана шу йиллар ичида мактаб-интернатимизда

майдончалари қайта таъмирланди.
Мактабда тез-тез ўтказилаётган беллашув, очик тарбиявий соатлар, очик дарслар, тартиб-интизом ва билимдонликда намуна кўрсатётган синфларни рағбатлантириб борилаётганлиги, аълочи ўқувчиларга стипен-



бил Муҳаммадиев, Ойдин Йўлдошева, Парда Холиқов кәбиларнинг хиссаси катта.

Розия ҲАЛИМОВА,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ туманидаги
Алишер Навоий номи
4-мактаб-интернатнинг
тарбиячиси

ЎҚУВЧИЛАРИМ ШОД ЭДИ

Яқинда Конституциямизнинг беш йиллиги муносабати билан мактабимизда «Бахт қомусинг муборак, жон Ўзбекистоним менинг!» мавзусида катта тантана бўлиб ўтди. Тантана давомида мактабнинг «Адолат» ва «Умид» гуруҳлари «Давлат ҳуқуқи ва асослари» фани буйича ўзларининг билимдон ва зукколиги-ю актёрлик маҳоратларини йиғилганларга намойиш этдилар. Мактаб директори Лутфия Саидова «Умид» гуруҳи голибларини табриклар эканлар «Ёш ҳуқуқшунослардан умидимиз катта» — дедилар.
Шу куни топағонлиги би-

лан совғага эга бўлганлар ҳам, олқиш олиб қарсак чалган ўқувчиларим ҳам шод эди. Бу шодлик — эрк, ҳуқуқ, имон-эътиқод тантанасидандир.

Фарида НАФАСОВА,
Тошкент шаҳар
Яккасарой туманидаги
73-мактабнинг тарих
ўқитувчиси



БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ...

бир қанча яхши ишлар қилинди. Жумладан, хоналар кабинет системасида жиҳозланди, компьютер хоналари, иккита синфхона эса лингафонлаштирилди. Бундан ташқари, кутубхона, ошхона, ётоқхона, ҳаммом, тиббиёт хонаси, спорт ўйингоҳи, баскетбол, волейбол

дия жорий этилиши ўқувчиларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.
Ушбу ишларни амалга оширишда иши билан сўзи бир раҳбар—Қурбон Турдиев, тажрибали ўқитувчилардан Муҳаббат Тангирова, Ибодат Ерова, Жўрақо-

Ҳаёт бешигисан — она табиат



ШУНАКАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Ассалому-алайкум қадрли «Тонг юлдузи»! Аслида сенга бу хатни ёзмоқчи эмасдим лекин барибир қишлоғимиз аҳолисининг жуда қийналиб кетаётганлигини куриб ёзишга мажбур бўлдим. Бизнинг қишлоғимизда оддий ичимлик суви муаммо. Ҳа-ҳа ишонавер, агар биз томонларга келадиган булсанг ҳам сира-сира ёзда кела кўрма. Биз атрофимиздаги раҳбарларга шикоят қилавериш, жуда чарчадик. «Буларга йиллаб шикоят қилиб қуруқ ваъда олгандан кура яхшиси ўзим ҳовлидан қудуқ қазиб сув чиқараман» деб дадам ҳовлимиздан қудуқ қазиган эдилар, «энди маза қилиб сувга туялган, булдиқ» деб челақ солдик, сув эмас ярим пақир чувалчанг чиқди.

Мана энди қиш фасли бошланди. Балки кимларгадир серегинлиги учун қиш ёқмас. Аммо бизнинг қишлоғимиздагилар қишни жон-дилларидан яхши курадилар. Негаки, фақат шу фаслдагина бизда тоза сув ичиш имкони бўлади. Чунки қор-ёмгир ёққан кунлари қишлоғимизда байрам. Ҳамма тарновларнинг таги пақир, каструлька ва флягаларга тулиб кетади.

Ана шунақа гаплар балки буни уқиган мутасадди, раҳбарлар бир хулоса чиқаришар. «Бизнинг кучада ҳам байрам бўлажак», — деган умидда хат йулловчи,

**Қашқадарё вилояти
Косон туманидаги
Пўлоти қишлоғининг
аҳолиси номидан
Сардор НУРМАТОВ**

ЮГУРГАН ҚУРУҚ КОЛМАС

Мен уз қишлоғимни жуда яхши кураман. Агар икки-уч кун бирон сабаб билан узокроққа кетадиган бўлсам ҳам қишлоғимни соғиниб тезда қайтиб келаман. Шундай пайтларда дадам менга танбех бериб қоладилар! «Қизим, сенинг ота-боболаринг чорвадор утишган, Чупон халқи кенгликларни севади. Сен ҳам бундоқ адирларга чиқ, теварак-атрофни томоша қил».

Гоҳида телевизорда шаҳарга яқин қишлоқларни курсатишди. Шунақа замонавий, чиройлики, куриб оғзингиз очилди. Ушанда ҳайрон қоламан. Бизнинг қишлоғимизда чиройли маданий-маиший бинолар у ёқда турсин, ҳатто оддий ичимлик суви-ю, иситиш тармоқлари ҳам йўқ. Узокдаги артезиан қудуқдан елкамизга обкаш илиб сув ташиймиз. Бу ҳам

Теварагимизни ўраб турган она табиат ниҳоятда сахий ва шафқатлидир. Унинг жажжи гиёҳидан тортиб, улкан дарахтларигача ўзига хос ранг ва сирга эга. Севимли шоиримиз Шавкат Раҳмон:

*Худо яшар ҳар бир гиёҳда
Ҳар дарахтда бордир дийнат*

деганида балки инсоният қадим-қадим замонлардан буён талпиниб, то ҳануз етолмаётган ўша сир ҳақида ёзгандир...

Биз узок йиллар: «Табиатдан инъом-эхсон кутиб ўтирмай балки ундан тортиб олишни ўрга-

ниш керак», — деган ноҳақ ақида билан яшадик ва шунга ўргандик. Мана бугун ўша хатоларимизнинг жазосини тортмоқдамиз. Буни қаранг-ки, эндиликда бу хатони бизнинг зийрак газетхонларимиз илгарибди. Бу бизни жуда хурсанд қилди. Зеро ҳушёрлик дегани бу хотиржамликдир, хотиржамлик замирида эса фаровон ҳаёт, гўзал турмуш ва улуг инсоний бахт ётади.

*Ўзинг бизга тангри берган нур
Борлиқ аро илоҳий неъмат.
Кўнгилларда тебранган сурур
Ҳаёт бешигисан она — табиат!*

майли-я, лекин уша қудуқнинг ҳам суви ниҳоятда шур ва ичишга яроқсиз. Баъзида эшитиб қоламан, бизнинг Самарқандимизнинг сувини қувур орқали олисади Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг аҳолиси ҳам маза қилиб ичишаётган экан. Шунда хурсанд бўлиб, шундай ажойиб сувимиз борлигидан фахрланиб кетаман. Лекин биз Самарқанддан борйўги турт соатлик узокликда жойлашганмиз. Наҳотки, бизга ҳам қувур орқали шу сувни етказиш қийин бўлса. Нега бизга бунақа нописандлик билан қарашади? Ахир мамлакатимиз иқтисодининг асосий қисмини чорвачилик ва ундан тушаётган даромад ташкил қилади-ку! Биз туманимиз раҳбарларига мурожаат қилавериш, энди бирор бир натижа чиқишига ишонмай ҳам қўйганмиз. Мен яқинда адабиёт ўқитувчим Махмурайим ака Бойназаровга шу муаммолар ҳақида Марказий идорага шикоят ёзсамки, деб маслаҳат солган эдим, у киши: «Насиба синглим, халқимизда югурган қуруқ қолмас, деган тугри мақол бор. Сен яхшиси газетага ёзгин. Балки бундан таъсирланган мутасадди ташкилотлар гарчи газ бўлмаса-да, қишлоғимизни ичимлик суви билан таъминлашса ажабмас», дедилар. Мен ҳам ана шу умид билан Сизларга шу мактубни жунатяшман. Зора, бизнинг этаги бепоён чулларга туташиб кетган қишлоғимиз аҳолиси ҳам ичимлик сувига ёлчиб қолса, нур устига аъло нур буларди.

сан, балки. Мана, ярим йилдирки, бизнинг уйимизнинг рупарасида автомобилларни газ билан таъминлайдиган кучма газ колонкаси эрталаб соат бешдан бошлаб, то кечқурун ун туққизгача тоза ҳавони заҳарлаб, турнақатор навбатда турган автомобилларга газ тарқатади. Уша ерда биз ёзда маза қилиб уйнайдиган кукаламзор, сердарахт боғча бор эди. Эндиликда булса, боғча ҳовлисидаги барча дарахтлар қуриб бўлган. Бор-йўги уч-туртта акация шумшайиб турибди. Аммо, улар ҳам қуриб қолиш арафасида. Мен уларга ачинганимдан челақчамни олиб, уша қуриётган дарахтларга сув ҳам солиб келдим. Буни қурган қоровул амаким, «Эй, болам, буларга сув эмас, ҳаво керак, ҳаво. Бу ерларда тоза ҳаво ҳатто пулга ҳам топил-

**Насиба РАҲМОНОВА,
Самарқанд вилояти
Нуробод туманидаги
29-мактабнинг
9-синф ўқувчиси**

ОЗОДАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Салом «Тонг юлдузи»! Сен мени жуда яхши танийсан. Мен уша тошбақаси бор Зафаржонман-да. Сенга бу гал тошбақам ҳақида эмас, балки бизга тоза ҳавонинг етишмаётганлиги турсида ёзмоқчиман. Ҳайрон бўлаётсанми? Унда қулоқ сол. Биз Тошкентнинг энг марказий жойларидан бирида — Марказ-14 мавзесидаги куп қаватли уйларда яшаймиз. Куп қаватли уйда яшаш бир томондан маза. Ҳамма шароитлар етарли. Лекин бизга оддийгина тоза ҳаво етишмайди. Едингда булса, қушнимиз Шоҳдилбек илгари ҳам сенга бу ҳақда ёзганди. Аммо, аҳвол баттар бўлса булдики, яхши бўлмади. Ўзи нима гап, дер-



кирарканман, яна беихтиёр шу мақолни эсламан. Балки шу мақолни раҳбар амакижонларимиз ишлайдиган идоранинг кириш эшигига шиор қилиб ёзиб қўйса қандай буларкан? Сен бунга нима дейсан, деб,

**Зафаржон МУСАЕВ,
Тошкент шаҳри
Шайхонтоҳур туманидаги
14-марказ
59-мактаб ўқувчиси**

ТУНДА АЙИҚ КЕЛДИ

Ёз кунларининг бирида дадамнинг ташаббуслари билан мен, дадам, ойим ва бувижоним Зоминга дам олишга келдик. Вақтли келганимиз учун уша куниеқ тоққа чиқишга қарор қилдик. Тоғнинг энг баланд жойига чиқар эканмиз, шунақа ажойиб манзараларга дуч келдикки, энди бунақа манза-



майдиган бўлиб қолди. Одамларга ҳам ҳайронман, бу ер аҳоли яшайдиган энг гавжум жойлардан бири бўлса. Шу газ улгурни чеккароқ бир жойда тарқатишса нима киларкан? Ҳеч булмаса Сизларлақа ёш болаларнинг соғлигини уйлашса булмайди-ми? — деб жавраб қолдилар. Яна бу ҳам етмагандай, ҳовлимиздаги ахлатхоналар доимо ахлат билан лим-лим тулиб, ҳатто тошиб ётади. Кечалари ўздан бирам ёмон бадбўй хид тарқатадики, унга чидаш биз болалар у ёқда турсин, ҳатто катталарнинг ҳам зурга қулидан келади. Синфимизга кираверишда: «Озодалик остонадан бошланади», деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Ҳар кун мактабдан қайтаётиб ҳовлидаги сочилиб ётган ахлатларга қоқиниб уйимизнинг остонасидан

кирарканман, яна беихтиёр шу мақолни эсламан. Балки шу мақолни раҳбар амакижонларимиз ишлайдиган идоранинг кириш эшигига шиор қилиб ёзиб қўйса қандай буларкан? Сен бунга нима дейсан, деб,

Кейин пастга тушдик. Пастга тушгач, бизга кемпинг беришди. Кемпинг — дегани бу кичкина ёғоч уйча бўлиб, дам олишга келган оилаларга битадан берилади. Кемпирун ойим қозонда овқат қилдилар. То ун-гача мен узим тенги уртоқларим билан маза қилиб сойда чумилдим, копток уйнадим. Роса чарчаб уйчамизга қайтиб келдим. Қурган-кечирганларимнинг ҳаммасини мактабда уртоқларимга айтиб бериш тугрисида ҳаёл суриб, уйқум келмай турувди, бир пайт қарасам, хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг ҳовлида бир баҳайбат айиқ юрибди. Ҳозир уйчамизни бузиб кириб бизни еб қўйса-я, деб роса қурқдим. Аммо у уйчамизга қарама-диям. Дадамнинг ҳовлига қурган учоқ-қозонлари атрофида айланиб, қотган нон булакларини еди-ю, яна тоққа чиқиб кетди. Эрталаб ойимлар бунга унчалик ишонимовди, аммо айиқнинг изларини қургач, гапимга ҳаммалари ишонинди. Бунинг сабабини дадамдан сураган эдим, дадам шундай жавоб бердилар: «Ҳозир одамларнинг ниҳоятда маданийлашиб ҳатто улар яшаётган арчазорларга яқинлашиб қолганликлари сабабли, улар биринчидан одамларга урганган. Иккинчидан эса, тинимсиз овчилик билан шугулланиш натижасида уларга озиқ-овқат етишмай оч қолишяпти. Шунинг учун ҳам тоғдан пастга овқат излаб тушишяпти. Агар шу ҳолда кетаверса, қанчадан-қанча ноёб ҳайвонлар бутунлай қирилиб кетиши мумкин».

Бу гапни эшитиб жуда ҳам хафа бўлиб кетдим. Демак, биздан кейин бу ерларга саяҳатга келадиган одамлар худди биз маза қилиб томоша қилгандай биз яйрагандай яйраб кетишолмас экан-да?

**Юлдузхон АБАЗОВА,
Тошкент шаҳридаги 282-
мактабнинг ўқувчиси**

«ПРИВАТИЗАЦИЯ»

— Биз уйимизни приватизация қилдик, — мақтанди Жавлон.
— Биз ҳам, — деди Отабек.
— Нима деганинглар у — приватизация? — суради Зафар хайрон бўлиб.
— Шуниям билмайсанми, каллаварам, — илжайди Жавлон. — Энди бизнинг уй ҳам, Отабекларнинг ҳовлиси ҳам узимизники бўлди.
— Унақада бизники кимники? — бушашиб кетди Зафар.
— Приватизация қилинган бўлса, сизларники эмасда! — билагонлик қилиб деди Отабек.
Зафар йиғлагудек бўлиб уйга югурди. Дадаси тоққайчи билан узум новдаларини кесаётган экан.

— Дада! — деди Зафар кузлари жикка ёшга тулиб. — Бизни уйимиз приватизация қилинганми?
— Қилинган, қилинган, — деди дадаси ва хайрон бўлиб суради. — Бу нега сенга керак бўлиб қолди?
— Ҳовлимиз, уйимиз ҳам узимизникими? — яна суради Зафар.
— Узимизники, узимизники, утган ҳафта хусусийлаштириб келдимку! — деди дадаси ва давлат мулкнинг фуқароларга берилиши «приватизация» дейлишини тушунтириб қўйди.
Зафар яна кучага отилди. Жавлон билан Отабек велосипед учишаётган экан.
— Бизнинг уй ҳам приватизация қилинган экан, — бақирди уларга қараб.
— Қачон? — хайрон бўлди Жавлон.
— Утган ҳафта, — деди

ди Зафар гурурланиб ва кушиб куйди, — «Приватизация» нималигини биласанларми узи?
Уртоқлари «нега билмас эканмиз» дегандек жилмайиб қуйишди.
— Хўп, унда айтинглар-чи, у қайси тилдан олинган, маъноси нима? — суради Зафар уртоқларига синовчан тикилиб.
— Русча бўлса керак-да, — мингирлади Жавлон.
Отабек эса «билмадим» дегандек елкасини қисиб қуйди.

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

— Э, каллаварамлар! — голибона қаради уларга Зафар ва деди, — «Приватизация» лотинчасига «приватус» сузилан олинган, тушундингларми? У «хусусий» деган маънони англатади, билмасанглар билиб қуйинглар!...

Иқтисодиёт алифбоси

«ЛТД» НИМА?

Захро дадаси билан кучадан утиб боришаётган эди. Йўлда, баланд бир бино эшигига «Нурафшон» ЛТД деган ёзувга кузи тушиб қолди. Ҳали сурашга улгурмагани ҳам

— Инглиз тилидан, — деди дадаси.
— У нимани билдиради? — суради Захро.
— Узини вазифалари, мажбуриятлари юзасидан масъулияти чекланган корхоналарни ЛТД деб аташади, — тушунтирди дадаси. — Яъни, «масъулияти чекланган корхона» дегани. Ҳозир бозор иқтисодиётига утилаётган пайтда бунақа корхоналар, ширкатлар, ташкилотлар жуда кўпайиб кетди. Тушунарлими, энди?

— Энди тушунарли! — жилмайди Захро.
Шундан кейин икковлариям кулиб юборишди.
Дадаси қизчасининг ҳар нарсага қизиқиши, билимга интилишидан суянган бўлса, Захро дадасининг билагонлигидан хурсанд бўлди.

— «ЛТД» — «лимитед» дегани, — жавоб берди дадаси.
— «Лимитед» дегани нима? — яна суради Захро.
— «Лимитед» — чеклаш, чегара дегани, — жавоб берди дадаси.
— Қайси тилдан олинган? — яна суради Захро.

— Энди тушунарли! — жилмайди Захро.
Шундан кейин икковлариям кулиб юборишди.
Дадаси қизчасининг ҳар нарсага қизиқиши, билимга интилишидан суянган бўлса, Захро дадасининг билагонлигидан хурсанд бўлди.

Эркин УСМОНОВ



Оққуш мисол қанотларини чиройли, секин-секин силкиб учаётгандек, парку булутларга кузларини пирпиратиб боққанча раққоса хиром этади.

У ҳар гал «Катта бўлсам раққоса бўламан» дерди. Ойнаи жаҳонда намойиш этил-

«Рақс менинг жону-дилим». У онасига қаради. Меҳрибон волидаси:

— Фарзандларимиз орасида Дония жудаям бошқачароқ чиқди. У ҳар бир нарсага кичкиналигидаёқ эътибор билан қарарди. Ундаги бу ўзгаришларни худога шукурки, эрта англаб етдик. Вақтида устоз-

Санъатга йўл

қсларни ўрганипсан?

— Авваллари устозларимдан ўрганар эдим. Ва яна уларнинг маслаҳати билан иш кўрардим. Лекин ҳозир ҳам бу аънаадан чиқиб кетганман, десам хато бўладику. Аммо улар мустақил ишлашимга имкон яратиб беришди.

— Устозларинг ҳақида икки оғиз гапириб берсанг?

— Ўзбекистонда

ОҚҚУШ УЧАР

ган ҳар бир рақсни диққат билан қузатган.

Кизалоқ мактабга борган кезларидаёқ уртоқлари орасида тез кунда кўзга кўринди. Санъат гул, — у гунча оча бошлади. Орзу қаноти бўлиб, ўн икки баҳоридаёқ кўп элларни кезиб, санъатни намойиш эта олди. 16-мактабнинг саккизинчи гимназия синфида аъло баҳоларга қўйётган Дония Шамсутдинова билан сўхбат қурдим.

— Дония, рақс тушиш шунчаки иштиёқми, ёки?..

— Бир сўзни биламан:

ҚАНОТЛАРИ

ларим қулига топширганимдан хурсанд бўламан.

— Дония, мактабда ўқиш, хореография мактабига қатнаш қийинлик қилмайдими сенга?

— Йўқ, асло, — дейди у кулиб. — Мен куннинг биринчи ярмида мактабда, иккинчи ярмида эса, ҳафтада уч бора хореографияга қатнайман. Ўқишларим ҳам яхши...

— Сен ҳозир қандай ра-

ПАР МИСОЛ

хизмат кўрсатган артист Сивилия Тангуриева ҳамда Раиса Баймурзиева улардан ўзбек, турк, венгер, араб, ҳинд ва бошқа халқ рақсларини ўргандим.

— Бўш вақтларингдан нима билан машғул бўласан?

— Бўш вақтларимнинг ўзи йўқ. Зеро, рақсни жону дилимдан яхши кўрганим учун кўпроқ шу рақс устида ишлайман. Математика, химия ва меҳнат дарсларини ёқтираман. Газета ва журналлар ўқиб туришга ҳаракат қиламан. Бичиш-тикишни ўрганиш ҳам менинг орзуим.

— «Тонг юлдузи»ни ўқиб турасанми?

— Гапнинг рости у менинг севимли газетам десам ёлгонга йўйманг. Зеро, турли ерлик тенгдошларим ҳақида билиш, уларнинг ижодлари билан танишиш жуда қизиқarli. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳар йили ўзимнинг сирдош сўхбатдошим «Тонг юлдузи»га биринчилардан бўлиб обуна бўламан.

Дония мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда ўзининг чиройли жозибали рақслари билан иштирок этади. Унинг ҳар бир чиқишларини тенгдошлари қувонч билан кутиб олишади. Буқувончнинг адоғи бўлмасин!

Тиловат СОАТОВА

Фикр тегирмони

Қадрли ўқувчилар! «...Мен шохмот ўйини ёрдамида ўз характеримни тарбияладим», деган эди шохмот бўйи-

лида «подшоҳ», «хукмдор», маъноларини англатади. «Мот» сўзи ҳинд ва арабча сўз бўлиб, «ўлмоқ» ёки «енгилмоқ»

ШОХ ВА

МОТ

ча жаҳон чемпиони А. Алёхин. Дарҳақиқат, шохмот ақл нималарга қодирлигини узида намойён этади. Зеро, бу ўйин ҳеч қачон жисмоний куч талаб қилмага-



нидек, мустаҳкам иродали киши учун ўз ақлини яна бир карра чарчаш воситасидир. Ахир бир уйлаб кўринг, шохмот доналари терилувининг ўзидаёқ катта бир ҳаёт дарсини уқасан киши. Фараз қилинг, ўйин бошланди. Тусиқлар, кутилмаган тасодифлар, шафқатсиз рақибнинг ҳийлакор хужумкорлиги, турли хил ечимлар... буларнинг бари ўз ҳаётингдан содир бўлаётгандек. Албатта, бунинг туликроқ тушуниш учун ҳам биринчи навбатда ақл, фаҳмидрок, қолаверса, бу ўйинни мукамал назарий ўрганиш лозим.

Шохмот — шох ва мот сўзларидан ташкил топган бўлиб, «Шох» сўзи туркий, қолаверса, кўпгина шарқ халқлари ти-

маъносини англатади. Кўриб турганингиздек, шохмот ўйини икки тенг, аммо қарама-қарши кучларнинг беллашуви жараёнида қурилган. Шундан билса бўладики, шохмот курашни ўрганмакдир.

Шохмотнинг бошлангич формаси — ча — турнача — эрамизнинг иккинчи, тўртинчи асрларида Панжоб ва Кашмир вилоятларида пайдо бўлган. Ўйин шохни мот қилгунга қадар эмас, балки рақиб доналарини қириб ташлагунгача давом этган. Ўйинда шохқол бўлиб, икки тушса рух, уч тушса от, тўрт тушса фил ва ҳоказолар юрарди. Ўша пайтлари у қуйидаги кўринишга эга бўларди, яъни Шох ёнида кучли сипоҳ — малика — фарзиң. Тахтанинг икки ёнида бузилмас қалъа сингари руҳлар жойлашган. Шох билан фарзин ёнларида филлар жойлашган. Уларнинг ёнида эса отлар. Олдинда пиёдалар. Бу кўриниш бошлангич вазият дейилади. Ва ҳамма ўйин мана шу ҳолатдан бошланади. Шу ҳолатни тасаввур қилган бўлсангиз бизга суратини чизиб юборинг. Кейинги машғулотида ундан фойдаланамиз.

Гулнора АБДУЛЛАЕВА,
мастерликка номзод



Ҳафтанинг етти куни

ПРЕЗИДЕНТЛАР
УЧРАШУВИ

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари давлатларaro кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Ақмолага жунуб кетди. Шу куни Ақмолада уч мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида давлатларaro кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг минтақавий ҳамкорлик ва узаро интеграцияни жаддаллаштириш борасида амалга ошираётган ишлари куриб чиқилди.

ОИЛА ФАРОВОН—ЮРТ
ОБОД

Оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 1998 йилда ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, омманинг миллий ва сиёсий онгини янада юксалтириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришнинг аниқ давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Республика комиссияси тузиш ва унинг таркибида ишчи гуруҳларини ташкил этиш, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан тadbирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди. Кун кеча эса Вазирлар Маҳкамасида оила манфаатларини таъминлаш юзасидан 1998 йил учун тadbирлар давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича республика комиссияси ва унинг ишчи гуруҳлари мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

КОЗОГИСТОННИНГ
ЯНГИ ПОЙТАХТИ

Ақмола 10 декабрдан бошлаб Қозоғистон Республикасининг янги пойтахти, деб расман эълон қилинди. Кеча бу ерда мамлакат парламенти ва ҳукуматининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Президент Нурсултон Назарбоев ҳозирча чет эллик меҳмонларни Алмати шаҳрида қабул қилишини маълум қилди. Янги пойтахтнинг халқаро тақдирот маросими келаси йил июнь ойида бўлади.

ТАШКИЛИЙ КҮМИТА
МАЖЛИСИ

Республикаимиз Президентининг ташаббуси билан юртимизда башарият ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини урганишга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, буюк қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий ва маданий ҳаётидаги урнини ҳисобга олиб, уларнинг таваллуд кунларини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасида ана шу тadbирларни нишонлашга тайёрларлик куриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмиталарининг мажлиси бўлди.

(Давоми. Боши ўтган
сонларда)

Кампир — Ҳа-ҳа! Шу қизча сизларни менга банди қилиб берди. Сиз маккорлар менинг бир дақиқа бўлса-да, мижжа қоқишимни минг йил давомида роса интиқ бўлиб кутдингиз. Лекин шум ниятингизга етолмадингиз.

Жинлар (чувиллашиб) — Ҳа, етолмадик! Етолмадик!

Кампир — Билиб қўйинг. Бадният қилганлар ҳаминша мағлуб бўлади.

Жинлар (чувиллашиб) — Тавба қилдик! Тавба қилдик.

Кампир — Парвардигори оламнинг лаънатига йўлиққан сиз бадният махлуқлардан сассиқ ҳовузлардаги қурбақалар ҳам, гўнг уюмларида тимирскилар юрадиган қурту қумурсқалар ҳам минг бора афзал.

Жинлар бошлиғи — Аҳир

гини билишмасди. Бир-бирларини асло игво-маломат қилишмасди. Ҳасад отлиг офатдан мутлақо азобланишмасди.

Жинлар қўрқиб қалтираша бошлайди.

Жинлар — (чувиллашиб): Тавба қилдик! Тавба қилдик!

Янги йил мактаб
сахнаси учун

Энди асло одамларга озор бермаймиз. Ҳеч қачон уларнинг кўнгилларини қорайтирмаймиз. Тавба! Тавба!

Кампир — Эй, лаънатланган нобакорлар! Худонинг қудрати билан сизларнинг жойларингиз энди гўнг қаргаларнинг қорнида бўлсин!

Жинлар йўқолади. Қаргаларнинг қағиллагани эшитилиб туради.

Абдулла УЛУФОВ

ЭНГ БАХТЛИ КУН

(Икки парда, тўрт кўринишли пьеса)

биз худонинг энг суюкли бандалари бўлмиш одамларнинг кўнглини маскан тутганмизку!

Кампир — Ҳа, сизлар жаннатдай покиза кўнглига — кириб-чиқиб, уни ифлослантрасизлар.

(Анорга) Қизим, сен ҳали бу тавқи лаънатларнинг макр-ҳийлаларидан беҳабарсан. Бу жирканч махлуқлар одамларнинг кўзларига кўринмайди. Улар одамларнинг қони ичига кириб олиб, игво, ҳасад утини ёқиб яшашиди. Оқибати аянчли ишларга даъватлашади. Икки дўстни бир зумда душман қилиб қўйишади. Акани укага, қўшнини қўшнига ёмон кўрсатиб қўйишади. Болаларнио катталарни ўғрилиққа, фирибгарликка, ёлғончиликка ўргатишади. Мол-дунёга қизқитиришиб, ҳаловатсиз қилиб қўйишади.

Анор (таажжубланиб) — Вой-вой! Бунчалик жирканч бўлишмаса-я!

Кампир — Ҳозир бу жирканчлар банди бўлиб қолишди. Сехру жодулари шунинг учун, таъсирсиз бўлиб турибди. Агар илму-амалларини қилиша олганида эди, кўзга кўринмасдан қолишарди.

Анор (Ҳаяжонланиб) — Вой! Наҳотки!?

Кампир — Ҳа! Одамлар уларнинг бу жирканч қиёфаларини кўзлари билан кўришганида эди, ҳеч қачон бир-бирларига ёмонлик қилишмасди, ўғрилиқ, фирибгарлик, ёлғончилик нима эканли-

Анор — (ҳаяжонланиб) Вой-вой! Жуда ҳам галати!

Кампир — Энди улар одамларга асло озор беришмайди. Қаргаларни гашланттириб азобини кўриб юраверади. Илоҳа шундай бўлсин.

Анор — Илоҳа!
Саҳна аввалгидан кўра ёриша бошлайди.

Кампир — Мана, тонг ҳам ёришиб, худонинг янги бир куни бошланаяпти.

Анор — (ҳаяжонланиб) Вой! Тонг бунчалик ажойиб бўлмаса! Шу пайтгача тонгнинг бу қадар гузал бўлишини билмаган эдим.

Кампир — Ҳа! Бу кун — энг ажойиб кун. Сенинг энг бахтли кунинг.

Анор — (Мамнун) Энг бахтли кун! Қандай ажойиб!

Кампир — Қизим, сен энди бориб шу бахтли кун билан сени бетоқат кутаётган бунингни, кўни-кўшнларингни хурсанд қил! Бахтли кун барчага баробар бўлсин. Мана бу ёнғоқ тўла қопни олда (бурчакда турган қолга ишора қилади), уйингга бор. Сени кутиб, ташвиш тортаётган бунингни хурсанд қил!

Анор — (ҳаяжонланиб): Бахтли кун! Бахтли кун!

Анор ёнғоқ тўла қопни елкалаганча кетади.

ИККИНЧИ ПАРДА
УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Хашамат билан безатилган хонадон. Уй ўртасида хонтахта. Гулнор, отаси, онаси чой ичиб ўтиришибди.



Отаси — Гулнорнинг ўртоғи бор-ку.. Ҳалиги... Исми... ҳам нима эди-я? Анормиди?...

Отаси — Ҳа-ҳа! Нима бўлибди унга?

Отаси — Ҳа, Анор ёлғиз бир бувиси билан яшаркан-а.

Гулнор — Ҳа. Нима эди?

Отаси — Бувиси кишиларнинг эшигида хизматини қилиб юради. Ямоқ-самоқ, кирчир дегандай... Ҳа, нима қилибди?

Отаси — Э-э.. Дунёда гап кўп... Шу кампир роса бой-бадавлат бўлиб кетибди.

Отаси — От-туяси, сурув-сурув қўйи бормиди у битлиқларнинг бой бўлиб...

Отаси — Ишонмадинг-а?.. Мен ҳам аввалига худди сендай ишонмаган эдим. Бориб билдим: роса бой-бадавлат бўлиб кетибди. Энди бу икки тонгнинг орасида шу дудуқ кампирдан ўтадиган одам йуқ.

Отаси — Сиз-чи, сиз?

Отаси — Биз унинг олдида арзиммаган хасмиз.

Отаси — Нима-нима?... Арзимас хасмиз...

Отаси — Ҳа, арзимас хасмиз. Унинг етти пуштига етadиган тилла тангаси бор. Ўз кўзларим билан кўрдим: бир қоп ёнғоқ. Чақсанг, ичидан нуқул танга чиқади.

Отаси — Нима-нима? Ёнғоқдан тилла танга?! Болалигимда бувимдан «осмондан чалпак ёғибди» деган эртани эшитган эдим. Аммо ёнғоқдан тилла танга чиқибди деган матални ота-бобомиз ҳам эшитмагандир... Йуқ-йуқ бундай бўлиши мумкин эмас.

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Нима-нима! Рост гап? Наҳотки?

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

Отаси — Ҳа, ишонмайсан киши. Аммо бу эртак ҳам, матал-масал ҳам эмас. Рост гап!

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0821.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир Ф. Одилова

- Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Маңзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
- Нашр курсаткичи: № 64563
- Телефон: 1-33-44-25